
"Беш ташаббус" олимпиадаси ғолиби шарафига маҳаллада спорт майдончаси барпо этилди

Бағдод туманининг "Бекобод" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Қосимбек Солижонов "Беш ташаббус" олимпиадасида стол тенниси бўйича қатнашиб, мусобақанинг барча босқичида ғолибликни қўлга киритди. Бу ҳақда маҳалладаги ёшлар етакчиси Бахтиёр Хайиталиев хабар бермоқда.

Таъкидланишича, Қосимбекнинг мазкур муваффақияти эвазига маҳаллада республика бюджети маблағлари ҳисобидан янги спорт майдончаси барпо этилиб, ёшлар фойдаланувига топширилди.

- Маҳалламиз ёшлари ўртасида футбол, волейбол, шахмат ва стол тенниси кенг оммалашган, - дейди Б.Хайиталиев. - Спортнинг айна турлари бўйича тез-тез мусобақалар ташкиллаб, ғолиб ва совриндонларни муносиб рағбатлантирамиз. Бу эса, кутилганидек самара бермоқда. Қосимбекнинг бу ғалабаси ёшларда спортга бўлган иштиёқни янада кучайтиришига ишонаман.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2023-08-16 17:16:55